

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ХОМИДОВА НИГОРАХОН РУСТАМЖОН ҚИЗИ

МАРКАЗИЙ ВА ПЕРИФЕРИК ГЕМОДИНАМИКА
КЎРСАТКИЧЛАРИ БУЗИЛИШИНING АКУШЕРЛИКДАГИ
КОАГУЛОПАТИК ҚОН КЕТИШЛАРГА ТАЪСИРИ

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

БУХОРО – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Хомидова Нигорахон Рустамжон қизи Марказий ва периферик гемодинамика кўрсаткичлари бузилишининг акушерликдаги коагулопатик қон кетишларга таъсири.....	3
Хомидова Нигорахон Рустамжон кизи Влияние нарушений параметров центральной гемодинамики и регионарного кровотока на развитие коагулопатических акушерских кровотечений.....	21
Khomidova Nigorakhon Rustamjon kizi The influence of disturbances in the parameters of central and peripheral hemodynamics on coagulopathic obstetric bleeding	39
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	43

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ХОМИДОВА НИГОРАХОН РУСТАМЖОН ҚИЗИ

**МАРКАЗИЙ ВА ПЕРИФЕРИК ГЕМОДИНАМИКА
КЎРСАТКИЧЛАРИ БУЗИЛИШИНING АКУШЕРЛИКДАГИ
КОАГУЛОПАТИК ҚОН КЕТИШЛАРГА ТАЪСИРИ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2020.2PhD/Tib718 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида www.bsmi.uz ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида www.ziyonet.uz жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Туксанова Дилбар Исматовна, тиббиёт фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	Шарифканова Магрифа Нематкановна, тиббиёт фанлари доктори, профессор Муминова Нигора Хайритдиновна, тиббиёт фанлари доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	Н.И.Пирогов номидаги миллий илмий текшириш тиббиёт университети (Россия Федерацияси)

Диссертация химояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил 29 декабр куни соат 11 00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри А.Навоий шох кўчаси 1-уй. Тел./факс: (+99865) 223-00-50; e-mail: buhme@mail.ru).

Диссертацияси билан Бухоро давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (014 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 200118, Бухоро шаҳри А.Навоий шох кўчаси 1-уй. Тел./факс: (+99865) 223-00-50.

Диссертация автореферати 2020 йил «16» декабр куни тарқатилди.
(2020 йил «16» декабр даги 029 рақамли реестр баённомаси).



Д.Т.Ходжиева,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори

С.С.Пўлатов,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари номзоди

Г.А.Ихтиярова,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сўнгги йилларда дунёда акушерлик амалиётининг жиддий асоратлардан бири коагулопатик қон кетишлар тобора ортиб бормоқда. Касаллик оғир кечиши, беморлар ҳаёт сифатининг пасайиши ва ўлим ҳолатининг ортиши билан фарқланади. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра «...ҳар йили дунёда коагулопатик қон кетишлардан 86000 нафар аёл ҳаётдан кўз юммоқда, шулардан 58 фоизи ривожланаётган мамлакатларга тўғри келмоқда»¹. Акушерлик қон кетиши хомиладорлик даври ва туғруқни асоратли кечишига сабаб бўлмоқда. «Туғруқ жараёнида кўп қон кетиши аёллар инвалидликка ва юқори даражадаги перинатал ўлимга олиб келиши чуқур тиббий ва ижтимоий муаммо келтириб чиқармоқда»². Хомиладорликдаги кўп қон кетишида аёллар ўлимининг юқорилиги ўз навбатида, унинг хавфини прогнозловчи акушерликдаги коагулопатик қон кетишларга марказий ва периферик гемодинамика бузилишининг таъсирини аниқлашни тақозо этмоқда.

Жаҳон миқёсида коагулопатик акушерлик қон кетишининг келиб чиқиш сабабларини эрта босқичда ташхислаш, даволаш ва профилактика усулларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада марказий гемодинамика ва бачадон-йўлдош тизими қон оқими кўрсаткичларини аниқлаш, репродуктив ёшдаги аёллар орасида коагулопатик қон кетиш хавф омилларини аниқлаш, хомиладорларда қон кетиш асоратларини эрта ва аниқ ташхислаш усулларини ишлаб чиқиш, марказий ва регионар гемодинамика кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш, даволаш чора-тадбирларининг замонавий усулларини ишлаб чиқиш, оналар ўлим кўрсаткичларини камайтириш соҳа мутахассислари олдида турган долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда бугунги кунда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини яхшилаш, репродуктив ёшдаги аёлларда учрайдиган касалликларни эрта ташхислаш ва асоратларини камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш учун «...оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматга эришишини кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, чақалоқлар ва болалар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш»³га қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Айниқса, оналар ўлимига олиб келадиган акушерлик

¹Zainulina M.S., Ereemeeva D.R., Krivonos M.I. Maternal mortality and maternal «near miss»: are the current bleeding prevention algorithms working? *Obstetrics, gynecology and reproduction [Akusherstvo, ginekologiya i reproduksiya]*. 2018; 12 (1): 62-72. DOI: 10.17749/2313-7347.2018.12.1.062-072.

² Оналар ўлими бўйича махфий тадқиқотлар Миллий кўмитаси, 2017.

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3071-сон Қарори.

амалиётидаги коагулопатик қон кетиш сабаблари, хавф омилларини аниқлаш ва оптимал даво чораларини ишлаб чиқишга қаратилган инновацион технологияларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947–сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2016 йил 20 ноябрдаги ПҚ–2650–сон «Ўзбекистонда 2016-2020 йилларда оналик ва болаликни ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора–тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071–сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора–тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий–ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон миқёсида ҳозирга қадар олиб борилган илмий–тадқиқотлардан олинган натижалар шуни кўрсатдики, қон кетиш билан асоратланган ҳомиладорларнинг марказий, регионар гемодинамикаси ва гемостаз тизимида бузилишлар кузатилиб, натижада коагулопатия ривожланади ва бу томирларнинг шикастланган жойида коагуляцияни индуцирловчи тромбин ҳосил бўлишига ёрдам беради ва дори воситаларини коррекциялаш зарурлигини кўрсатади (Доброхотова Ю.Э., Джохадзе Л.С., 2019; Sentilhes L., 2018; Shakur N., 2018). Коагулопатик қон кетишларнинг гемостазиологик ва гемодинамик маркерларини аниқлаш зарурати юзага келди ва бу ҳомиладорликдаги мазкур асоратни нафақат ташхислаш, балки унинг оғир шакллари ривожланишини бартараф этиш имконини беради (Ремнева О.В., 2019; Ботоева Е. А., 2018; Федорова Т.А., 2018; Achmed A.V., 2017).

Ҳомиладорлик даврида қон ивиш тизимидаги ўзгаришлар, фибринолитик фаолиятининг доимий пасайиши қоннинг коагуляцион фаолияти ортишига олиб келади. Ушбу ўзгаришлар аниқ мослашувчан хусусиятга эга бўлиб, туғруқ вақтида физиологик қон йўқотиш ҳажмини камайтиришга қаратилган (Sentilhes L., 2015; Khan K.S., 2016; Шевелева А.С., 2018). Қон айланишнинг бачадон–йўлдош доираси пайдо бўлиши билан ҳомиладорлик вақтида гемостаз тизимида ўзгаришлар кузатилади. Ҳомила ривожланиши билан қон ивиш тизимида фетоплацентар тизим фаоллиги ва гемостаз тизимидаги мувозанатни сақлашга қаратилган мослашувчан ўзгаришлар пайдо бўлади, у ўз навбатида йўлдош ажралганидан кейин плацента жойининг томирларидан қон кетишини тўхтатади (Негматуллаева М.Н. ва ҳаммуал., 2017).

Сўнгги йилларда қон кетиши ривожланишида тромбофилиянинг роли исботланган (Shamshirsaz A.A., 2016). Тадқиқотлар гиперкоагуляция ва

тромбинемияда тарқалган томир ичи қон ивишининг компенсацияланган фазаси ўртасида фарқлар мавжудлигини кўрсатади. Д-димер миқдорнинг тез ортиши коагулопатик қон кетиш ривожланишининг юқори хавф омили сифатида талқин этилиши лозим. Соғлом ҳомиладор аёлларда тромбинемия, жумладан, мономерлар фибрин, фибринопептид, b-тромбоглобулин, 5 нуклеотидаза, Д-димерфибринлар парчаланиши белгилари бўлмаслиги керак (Галайко М.В., 2017; Муратова А.Ю., 2017).

Республикамизда олиб борилаётган устувор йўналишдаги тадқиқотларда фертил ёшдаги аёллар саломатлигига ҳам катта эътибор қаратилган. Бу борада акушерлик қон кетишларнинг клиник белгилари, текширув усуллари ва даволашга бағишланган қатор тадқиқотлар амалга оширилган (Юсупбаев Р.Б., 2017; Каримова Н.Н., 2020). Хозирги кунда репродуктив йўқотишлар мавжуд аёлларда коагулопатик қон кетишларнинг учраши ҳамда унинг самарали ва иқтисодий қулай ташхислаш усуллари такомиллаштириш, марказий ва периферик гемодинамика кўрсаткичлари бузилишининг акушерликдаги коагулопатик қон кетишларга таъсирини аниқлаш илмий ва амалий жиҳатидан долзарб ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №01.2020. PhD.002 «Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш» (2018–2021йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади марказий ва периферик гемодинамика кўрсаткичлари бузилишининг акушерликдаги коагулопатик қон кетишларга таъсирини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

коагулопатик акушерлик қон кетиши ривожланишида марказий ва регионар гемодинамика кўрсаткичлари ўзгаришига сабабчи хавф омилларини аниқлаш ва туғруқдаги акушерлик асоратларни клиникагача ташхислаш ҳамда башоратлаш усуллари ишлаб чиқиш;

онанинг марказий гемодинамикаси, регионар бачадон-йўлдош қон оқими ўртасидаги корреляцион алоқа ва уларнинг ҳомиладорликнинг III уч ойлигида гемостаз тизими бузилиши ривожланишини башоратлашдаги ролини аниқлаш;

томир-тромбоцитар гемостазнинг бузилиши оқибатида туғруқ вақтида коагулопатик қон кетишлар ривожланишини клиникагача ташхислашнинг асосий маркерларини аниқлаш;

марказий гемодинамика, бачадон-йўлдош қон оқими, гемостаз тизими кўрсаткичлари ўзгаришига даҳлдор маркерларни аниқлаш ва уларнинг дифференцирланган корригирловчи даволашни танлаш ва башоратлашда ҳамда туғруқда акушерлик қон кетишни олдини олишда самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2017–2019 йилларда Бухоро вилояти перинатал маркази назоратидаги 110 нафар қон кетиш хавфи бўлган ҳамда ҳомиладорлиги асоратсиз кечган 60 нафар ҳомиладор аёллар олинди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида вена қони ва қон зардоби гематологик ва биокимёвий тадқиқотлар учун олинди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, функционал, ультратовуш, доплероетрик, биокимёвий, гематологик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор гемостаз тизими ва бачадон-йўлдош қон оқими, она марказий гемодинамикасининг функционал ҳолатлари кўрсаткичлари меъердан ортишига тўғри пропорционал тромбогеморрагик асоратлар ривожланиш хавфи юзага келиши исботланган;

илк бор гемостаз тизими бузилишининг бирламчи механизмида УПТҚ кўрсаткичининг кескин ортиши билан бачадон ва киндик артериясида СДН ва РИ кўрсаткичларининг мутаносиб равишда ортишига боғлиқлиги исботланган;

периферик қон томирларда УПТҚ, бачадон артерияларида СДН ва РИ кўрсаткичлари ҳамда фибрин дегидратацияси маҳсулотлари (Д-димер) миқдорининг кескин ортиши фонида юракнинг бир марталик ва дақиқа ҳажмининг камайиши ҳомиладорлик ва туғруқ вақтида тромбоэмболик асоратлар ривожланишининг башоратловчи эрта маркерлари эканлиги асосланган;

гемостаз тизими бузилган аёлларда фибриноген ва ПТИ миқдорининг ортиши ҳамда D-димер даражасининг кескин кўтарилиши фонида МНО миқдорининг камайиши ҳомиладор аёллар томирларида тромб ҳосил бўлишининг катта хавфи эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

марказий гемодинамика, бачадон-йўлдош қон оқими, гемостаз тизими кўрсаткичлари, шунингдек, фибриноген ва унинг парчаланиш маҳсулотлари ҳамда D-димерни динамикада кузатиб бориш тромбофилияни башоратлаш ва клиникагача ташхислаш, туғруқ вақтида акушерлик қон кетишларининг олдини олиши исботланган;

ҳомиладор аёлларда коагулопатик акушерлик қон кетиши ривожланишининг хавф омилларини аниқлаш, туғруқдаги акушерлик асоратларни клиникагача ташхислаш ҳамда башоратлаш усуллари ишлаб чиқилган;

ҳомиладор аёллар туғруқ вақтида томир-тромбоцитар гемостаз бузилиши оқибатида коагулопатик қон кетишлар ривожланишида клиникагача бўлган ташхислашнинг асосий маркерлари аниқланган;

гемостаз тизимида бузилиш хавф омиллари бўлган аёлларда туғруқ вақтида қон кетишлар ҳажмини камайтириш ҳамда оналар ўлимининг олдини олиш мақсадида транексан кислотаси билан даволаш самарадорлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов

берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланган, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти марказий ва периферик гемодинамика кўрсаткичлари бузилишининг акушерликдаги коагулопатик қон кетишларга таъсирини аниқлаш республикада келажакда чуқур тадқиқотлар олиб бориш учун замин яратган, гемостаз тизими ва бачадон-йўлдош қон оқими, она марказий гемодинамикасининг функционал ҳолатлари ўзгаришининг тромбогеморрагик асоратлар ривожланишига боғлиқлиги, периферик қон томирларда УПТҚ, бачадон артерияларида СДН ва РИ кўрсаткичлари ҳамда фибрин дегидратацияси маҳсулотлари (Д-димер) миқдорининг ўзгариши ва улар орасидаги ўзаро боғлиқлик ушбу патология патогенезининг янги жиҳатларини очиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти марказий гемодинамика, бачадон-йўлдош қон оқими, гемостаз тизими кўрсаткичлари, шунингдек, фибриноген ва унинг парчаланиш маҳсулотлари ҳамда Д-димерни динамикада кузатиб бориш тромбофилияни башоратлаш ва клиникагача ташхислаш, транексан кислотаси билан даволаш тактикаси ишлаб чиқилганлиги гемостаз тизимида бузилиш хавф омиллари бўлган аёлларда туғруқ вақтида қон кетишлар ҳажмини камайтириш ҳамда оналар ўлимининг олдини олиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Марказий ва периферик гемодинамика кўрсаткичлари бузилишининг акушерликдаги коагулопатик қон кетишларга таъсирини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Тромбофилиянинг маркёрлари ва уларнинг туғруқдан кейин қон кетишининг олдини олишдаги роли» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 10 июндаги 8н-д/67-сон хулосаси). Мазкур услубий тавсиянома хомиладорларда тромбофилия билан асоратланишни эрта ташхислаш, туғруқдан кейинги қон кетишини тўхтатиш ва касаллик кечишини башорат қилиш ва ўз вақтида даволаш чора-тадбирларини қўллашга хизмат қилган;

хомиладорларда марказий ва периферик гемодинамика кўрсаткичлари бузилишининг коагулопатик қон кетишларга таъсирини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш тизимига, жумладан, Бухоро шаҳар туғруқ комплекси ва Бухоро туман тиббиёт бирлашмаси амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 3 ноябрдаги 8н-з/137-сон хулосаси). Жорий қилинган натижалар хомиладорларда акушерлик қон кетишини олдини олиш, касаллик тромбоген асоратларини камайтириш ҳисобига оналар ўлими кўрсаткичларини пасайтириш ҳамда уларни стационарда даволаниш муддатини қисқартириш билан тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини оширишга имкон яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 113 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Марказий, регионар гемодинамика кўрсаткичлари ва гемостаз тизими кўрсаткичлари асосида акушерлик қон кетишларини башоратлашнинг замонавий жиҳатлари»** деб номланган биринчи бобида олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Шунингдек, тадқиқотлар мақсадидан келиб чиққан ҳолда адабиётлар шарҳида репродуктив ёшдаги аёлларда коагулопатик қон кетишлар муаммосининг замонавий ҳолати тўғрисида маълумотлар келтирилган. Коагулопатик қон кетиш механизмларининг замонавий талқини, марказий ва регионар гемодинамиканинг ўзига хос хусусиятлари ва гемостаз тизими ҳолати, D-димер акушерлик қон кетишларини башоратлаш ва маркери сифатидаги таҳлили келтирилган.

Диссертациянинг **«Ҳомиладорларнинг клиник тавсифи ва қўлланилган тадқиқот усуллари»** деб номланган иккинчи бобида ишда қўлланилган асосий текширув материал ва усуллари баён этилган.

Мақсад ва вазифаларга мос ҳолда мазкур илмий-тадқиқот иши Бухоро давлат тиббиёт институтининг 2-сон акушерлик ва гинекология кафедраси, Бухоро вилояти перинатал марказида 2017–2019 йилларда амалга оширилди.

Бухоро вилояти перинатал марказига ётқизилган 170 нафар ҳомиладор аёл (асосий гуруҳ)да туғруқнинг она ҳамда ҳомила учун оқибатлари (марказий, регионар гемодинамика ва гемостаз тизими ҳолатига боғлиқ ҳолда) комплекс ўрганилди. Барча ўрганилаётган беморлар 2 гуруҳга ажратилди: назорат гуруҳи (1-гуруҳ)ни ҳомиладорлиги асоратсиз кечган 60

нафар аёл ва асосий гуруҳ (2-гуруҳ)ни туғруқ вақтида қон кетиш хавфи юқори бўлган 110 нафар ҳомиладор аёллар ашқил этди. Асосий гуруҳ ўз навбатида иккита кичик гуруҳга бўлинди: 2А кичик гуруҳни – анъанавий терапия олган 55 нафар ҳомиладор аёл, 2Б кичик гуруҳни – антикоагулянт терапия (клексан) олган 55 нафар аёл ташқил этди. Қўйилган мақсад ва вазифаларга мос ҳолда қуйидаги тадқиқот дастури ишлаб чиқилди: клиник-статистик таҳлил; клиник тадқиқот усуллари (қоннинг умумий таҳлили, Нt, тромбоцитлар); биокимёвий текширув усуллари.

Гемостаз бузилишларининг клиник маркерларини башоратлашга қаратилган комплекс тадқиқотлар ҳомиладорликнинг III триместри 34–35-ҳафтасида амалга оширилди.

Беморлар ёш бўйича қуйидаги тоифаларга ажратилди: 19–25 ёш – 61 нафар (35,9%), 26–35 ёш – 91 нафар (53,5%), 36–49 ёш – 18 нафар (10,6%). Тадқиқотга жалб этилган аёлларнинг 78,8 фоизи (n=134) доимий равишда шаҳарда яшаган (асосан, Бухоро шаҳрида), 21,2 фоизи (n=36) қишлоқда истиқомат қилган.

Бундан ташқари тадқиқотга жалб қилинган аёлларда акушерлик-гинекологик текширув пайтида ҳайз цикли кўрсаткичлари ҳам ўрганилди. Ҳайз функцияси кўрсаткичлари мунтазам ҳайз циклининг шаклланиши, унинг кечишидаги ўзига хослиги бўйича баҳоланди. Текширув гуруҳларидаги аёллар билан солиштирилганда статистик аҳамиятли фарқ кузатилмади.

Тадқиқотга жалб қилинган аёлларнинг паритет бўйича таҳлилларига кўра аёлларнинг 48 нафари (28,2%) биринчи туғувчилар, 122 нафари (71,8%) эса қайта туғувчилар бўлди. Шундан 81,8 фоизи (n=139) вилоят перинатал марказига ўзи келган, 18,2 фоизи (n=31) эса «тез ёрдам» машинасида олиб келинган.

Шунингдек, текширилаётган аёлларда гинекологик ва соматик касалликлар структураси ҳам таҳлил қилинди. Таҳлил натижаларига кўра асосий гуруҳ аёлларининг 50,9% ида гинекологик касалликлар қайд этилган, аммо назорат гуруҳидаги аёлларда бундай касалликлар кузатилмади. Текширув натижалари таққосланганда, асосий гуруҳ аёлларида назорат гуруҳига нисбатан соматик касалликлар тез-тез такрорланиши қайд этилди.

Бундан ташқари туғруқ вақтида асоратлар пайдо бўлиш ҳоллари ҳам ўрганилди. Келиб чиққан асоратлар, асосан, асосий гуруҳ аёлларида рўй берганлиги аниқланди. Туғруқ вақтида энг кўп учрайдиган асоратлар сирасига ораликнинг йиртилиши (21,8%, n=24), бачадон гипотонияси (6,4%, n=7), ҳомила боши ва чаноқ диспропорцияси (5,5%, n=6) киритилди. Касалхонага қабул қилинган барча аёлларда (n=170) туғруқ содир бўлди. Шундан 122 нафари (71,8%)да табиий туғруқ йўллари орқали туғруқ содир бўлди, 48 нафари (28,2%)да вақтидан олдин туғруқ, шундан 18 нафар (37,5%) аёлда муддатидан олдин оператив туғруқ содир бўлди.

Допплероэхокардиографик текширувлар С2,5 МГц секторал датчикни қўллаш билан анатомик М режимли «Sono Scape» фирмасининг SSI–5000 моделидаги аппаратида (Хитой, серия рақами S/N1407392) амалга оширилди.

Бачадон-йўлдош ва ҳомила гемодинамикаси бузилишлари М.И.Агеева (2004) томонидан ишлаб чиқилган тасниф бўйича баҳоланди. Допплерометрия 3,5 МГц ли «Toshiba SSA-340» (Япония) секторал датчик аппаратида амалга оширилди. Гемостаз тизими кўрсаткичлари 2013 йилда ишлаб чиқилган «Human Clot Junior» коагулометр аппарати ёрдамида аниқланди. Қуйидаги кўрсаткичлар аниқланди: ПВ (проторомбин вақти), ТКФВ (тромбопластиннинг қисман фаоллик вақти), ТВ (тромбин вақти), фибриноген.

Д-димер. Д-димернинг ишончлилик кўрсаткичи чекланганлиги, 50% ни ташкил қилишига қарамадан, бошқа коагуляция ва фибринолиз маркерлардан устун туради. Ҳомиладорликнинг илк даврларида Д-димер кўрсаткичлари қонда кутарилиши кузатилди. Гематологик кўрсаткичларни аниқлаш мақсадида «Human Count 30 TS/Human Count 60TS» гематоанализаторларидан фойдаланилди. Анализатор ёрдамида қуйидаги гематологик кўрсаткичлар аниқланди: лейкоцитлар, лимфоцитлар, моноцитлар, гранулоцитлар миқдори, гранулоцитлар фоизи, лимфоцитлар фоизи, моноцитлар фоизи, гемоглобин, эритроцитлар миқдори, гемокрит, тромбоцитлар миқдори.

Ўрганилаётган кўрсаткичнинг ўртача арифметик (M), ўртача квадратик оғиш (σ), ўртача кўрсаткич стандарт хато (m), нисбий ўлчамларни (частота, %) ҳисоблаш билан вариацион параметрик ва нопараметрик статистика усуллари қўлланилди. Олинган ўлчовларнинг статистик қиймати эксцесс мезони бўйича тақсимотнинг меъёрийлиги ва бош дисперсиялар тенглиги (F – Фишер мезони) ўрганилиб, хато эҳтимолини (P) ҳисоблаш Стьюдент (t) мезони бўйича аниқланди. $P < 0,05$ ишончлилик даражаси статистик аҳамиятли ўзгаришлар сифатида қабул қилинди.

Диссертациянинг «**Марказий ва регионар гемодинамиканинг бузилиш хусусиятлари, уларнинг ҳомиладор аёлларнинг қон ивиш тизимига таъсири**» деб номланган учинчи бобида марказий ва регионар бачадон-йўлдош қон оқимининг солиштирма таҳлили, уларнинг репродуктив ёшдаги ҳамиладор аёлларнинг коагуляцион тизимига таъсири ўрганилди.

Марказий гемодинамика параметрлари назорат гуруҳидаги аёлларда доплерометрия усулида аниқланди.

Гестация муддати 34–35 ҳафта бўлган ҳомиладорларда марказий гемодинамика кўрсаткичлари ва регионар қон айланиш тизими ҳолати ўрганилганда мазкур гуруҳдаги аёлларда марказий гемодинамика бачадон-йўлдош қон оқими кўрсаткичлари 1-жадвалда келтирилган кўринишга эга бўлди (таққослаш учун олдинги гуруҳдаги тегишли кўрсаткичлар ҳам тақдим этилган):

1-жадвал.

Гестация муддати 34–35 ҳафталик назорат ва асосий гуруҳлари ҳомиладор аёлларининг марказий гемодинамика кўрсаткичлари (n=170)

Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи, n=60	Асосий гуруҳ, n=110
Зарб ҳажми, мл	80,8±2,88	72,8±1,10*

Зарб индекси, мл/м ²	45,2±1,52	41,3±0,84*
Юрак қисқаришлар частотаси, мин	84,6±2,11	89,3±1,54*
Дақиқа ҳажми, л/мин	7,2±0,30	5,9±0,14*
Юрак индекси, л/мин/м ²	3,9±0,10	3,7±0,09
УПТҚ, дин.сек.см ⁻⁵	1352,1±52,8	1495,3±20,1*

Изоҳ: * – фарқлар назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли.

Жадвалда тақдим этилган маълумотлар таҳлилидан шуни кўриш мумкинки, хавф гуруҳидаги ҳомиладор аёлларда, назорат гуруҳи билан таққослаганда, марказий гемодинамиканинг деярли барча кўрсаткичлари салбий томонга ўзгарганлигини кўриш мумкин. Статистик жиҳатдан ДХ, ДИ, кўрсаткичларида сезиларли фарқлар мавжуд бўлиб, бу пасайиш назорат гуруҳининг тегишли кўрсаткичларига нисбатан мос равишда 10,0, 3,9% ни ташкил этди. Юрак қисқаришлар частотаси 4,7 дан ошишига қарамай, юракнинг минутлик ҳажми 1,3 га камаяди. Бунда УПТҚ 143,2 дин.сек.см⁵ кўрсаткичлари ошиши, айниқса, муҳим рол ўйнайди. Бу қон айланиш тизимидаги артериолаларнинг спазмидан далолат беради ва, шубҳасиз, бачадон-йўлдош тизимидаги қон айланишининг бузилиши ҳамда ҳомилада қон айланишининг пасайиши, ҳомила гемодинамикасининг бузилиши билан кечади.

Мазкур гуруҳ аёлларида доплерометрик текширувлар асосида регионар гемодинамика кўрсаткичлари 2-жадвалда келтирилган (таққослаш учун олдинги гуруҳдаги мос кўрсаткичлар ҳам берилган):

2-жадвал.

Допплерометрия маълумотларининг назорат ва асосий гуруҳлардаги таққослама кўрсаткичлари

МППК	Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳ, n=60	Асосий гуруҳ, n=110
Бачадон артерияси	СДН	2,62±0,06	2,71±0,04*
	РИ	0,51±0,02	0,62±0,02*
Киндик артерияси	СДН	2,44±0,09	2,48±0,05
	РИ	0,60±0,03	0,68±0,02*

Изоҳ: * – фарқлар назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли.

Жадвалдан кўриш мумкинки, хавф гуруҳидаги аёлларда гестация муддатининг ошиши фонида УПТҚнинг сезиларли ошиши билан қон томирлар спазми ҳам ошиб бориши кузатилди, бу эса плацента тизимида қон оқимининг ёмонлашувига олиб келади, асосан, артерия сегментини қамраб олади. Бунинг натижасида бачадон артериясидаги СДН ва РИ 3,4%, РИ 21,5%, киндик артериясида СДН 1,6%, РИ мос равишда 13,3% ошади.

Бачадон-йўлдош-ҳомила тизимидаги қон оқимининг ўзгариши навбати билан плацентанинг морфофункционал бузилишларига олиб келади. УТТ маълумотларига кўра асосий гуруҳдаги 75 нафар (68,2%) ҳомиладорларда инфаркт зоналари ҳамда калцификация аниқланди ва бу морфофункционал етишмовчилик белгилари билан намоён бўлди. Ушбу ўзгаришларни йўлдош

тизими артерия томирларининг спазми ва гемостаз тизимининг қон айланишига мослашувининг бузилиш деб изоҳладик.

Коагулопатик акушерлик қон кетиши ривожланишида гемостаз ва қон тизими кўрсаткичлари бузилишининг ўзига хос хусусиятлари. Тадқиқотининг кейинги босқичида гемодинамик кўрсаткичлари бузилган 110 нафар ҳомиладор аёл икки гуруҳга ажратилган ҳолда ўрганилди: 1-кичик гуруҳ (2А) анъанавий терапия олган 55 нафар, 2-кичик гуруҳ (2Б)ни 55 нафар антикоагулянт терапия олган ҳомиладор аёллар ташкил қилди. Иккала гуруҳ амалга оширилган даволаш усули билан ўзаро фарқланди

3-жадвал.

Тадқиқот гуруҳида ҳомиладор аёлларнинг периферик қон (гемограмма) кўрсаткичлари, $M \pm m$

Кўрсаткичлар	Референс кўрсаткичлар	Текширувга жалб қилинган ҳомиладорлар		
		Назорат гуруҳи, n=60	2А кичик гуруҳ, n=55	2Б кичик гуруҳ, n=55
Эритроцитлар, $10^{12}/л$	4,2±0,2	3,3±0,2	2,4±0,2*↓	2,8±0,1*↓
Гемоглобин, г/л	123,8±0,5	105,9±0,7	90,8±0,4*↓	100,4±0,5*↓
Лейкоцитлар, $10^9/л$	5,8±0,5	7,7±0,8	9,9±1,1*↑	9,6±1,2*↑
Нейтрофилларт/я, %	3,1±0,6	4,2±1,2	12,2±1,0*↑	10,8±1,6*↓
Нейтрофиллар, с/я, %	57,4±1,0	52,7±1,7	47,5±1,2*↓	45,9±1,7*↓
Лимфоцитлар, %	19,3±1,1	24,4±1,2	17,3±1,1*↓	16,7±1,7*↓
Моноцитлар, %	3,1±0,2	6,4±0,8	5,1±0,9*↓	5,5±1,2*↓
Гематокрит, %	36,7±0,1	31,2±0,3	25,9±0,9*↓	27,3±1,4*↓
ЭЧТ, мм/ч	10,2±0,3	15,6±0,8	20,4±0,9*↑	18,6±1,0*↑
Кальций, ммоль/л	3,2±0,1	2,5±0,2	1,8±0,1*↓	1,9±0,2*↓

Изоҳ: * – ҳомиладор бўлмаган аёллар кўрсаткичи фарқларининг ишончилиги; ^ – назорат гуруҳи ва гемодинамик бузилиши бўлган ҳомиладор аёллар ўртасидаги фарқларнинг ишончилиги; ↑, ↓ – референс кўрсаткичларга мос равишда.

3-жадвалдан кўриш мумкинки, таққослаш гуруҳининг барча кўрсаткичлари нафақат референс кўрсаткичлар, балки ҳомиладорлиги физиологик кечган (назорат гуруҳи) аёлларидан ҳам сезиларли фарқ қилди ($P < 0,05$ – $P < 0,005$). Назорат гуруҳи ва асосий гуруҳнинг периферик қон кўрсаткичлари деярли бир хил бўлиб, бир-биридан сезиларли даражада фарқ қилмади ($P > 0,05$).

Тадқиқотнинг кейинги босқичида текширилаётган ҳомиладор аёлларда гемостаз (гемостазограмма) кўрсаткичлари таққосланди. Олинган натижалар шуни кўрсатдики, ҳомиладорлиги физиологик кечаётган ҳомиладор аёлларда тромбопластининг қисман фаоллаштирилган вақти (ТҚФВ) кўрсаткичи мос раваишда референс кўрсаткичига нисбатан 1,22 марта кўпайган, $33,3 \pm 0,8$ дақиқага нисбатан $27,3 \pm 0,5$ дақиқа, $P < 0,05$.

4-жадвал.

Тадқиқот гуруҳида ҳомиладор аёлларнинг когуляцион гемостаз (гемостазограмма) кўрсаткичлари, $M \pm m$

Кўрсаткичлар	Референс кўрсаткичлар	Текширувга жалб қилинган ҳомиладорлар	
		Назорат гуруҳи, n=60	Асосий гуруҳ, n=110
ТҚФВ, дак	27,3±0,5	33,3±0,8* ↑	21,4±0,9* ^ ↓
ПВ, дак	12,1±0,1	12,2±0,2 ↔	10,2±0,1* ^ ↓
Тромбин вақти, дак	13,3±0,5	12,7±0,8 ↔	15,4±0,6* ^ ↑
Фибриноген, г/л	2,4±0,4	4,3±1,1* ↑	6,8±1,2* ^ ↑
D-димер, нг/мл	231,6±24,6	463,0±74,7* ↑	1155,9±64,4* ^ ↑
МНО	0,9±0,05	0,8±0,05 ↔	0,6±0,08 * ^ ↓
ПТИ, %	81,4±0,4	84,4±0,3* ↑	90,9±0,5* ^ ↑

Изоҳ: * – ҳомиладор бўлмаган аёллар кўрсаткичидаги фарқларнинг ишончилиги; ^ – назорат гуруҳи ва гемодинамик бузилиши бўлган ҳомиладор аёллар ўртасидаги фарқлар ишончилиги; ↑, ↓ – референс кўрсаткичларига мос равишда; ↔ – ишончилик йўқ.

Назорат гуруҳидаги ҳомиладор аёлларда тромбин вақти стандарт кийматлар даражасида сақланиб қолгани улардан сезиларли даражада фарқ қилмаслиги аниқланди ($P < 0,05$). Таққослаш ва асосий гуруҳдаги аёлларнинг кўрсаткичлари, аксинча, сезиларли даражада ошди ($P < 0,05$). Ушбу факт тромбин вақти текширилаётган ҳомиладор аёлларда гемостаз тизими фаолияти бузилишининг даражаси билан узайишини кўрсатади. Ҳомиладорлиги меъёрда кечаётган ҳомиладор аёлларда фибриноген миқдори мос равишда референс кўрсаткичларга нисбатан 1,79 марта кўпайиши аниқланди ($P < 0,001$). Гемостаз тизими бузилган аёлларда бу кўрсаткич янада ошди ва $6,8 \pm 1,2$ г/л ни ташкил этди, бу соғлом ва ҳомиладор аёлларнинг кўрсаткичларига нисбатан 2,83 ва 1,58 марта кўпдир ($P < 0,001$). Ҳомиладор аёлларнинг периферик қонида D-димер даражаси ошиши аниқланди. Бизнинг тадқиқотларимиз юқоридагиларни тасдиқлади, ҳомиладорлиги физиологик кечаётган аёлларда D-димернинг 2,0 марта ошиши кузатилди ($P < 0,001$). Гемодинамик кўрсаткичлари бузилган аёлларда бу кўрсаткич янада юқори бўлди – $1155,9 \pm 64,4$ нг/мл гача; бу эса референс ва назорат гуруҳи аёлларида мос равишда 4,99 ва 2,59 марта юқоридир ($P < 0,001$). Ушбу тадқиқотдан олинган натижалар шуни кўрсатдики, текширилаётган ҳомиладор аёлларнинг томирларида тромб ҳосил бўлишининг катта эҳтимолли мавжуд.

D-димер ва фибриноген параметрларнинг кескин ошиши патологик жараёнларнинг ривожланиш даражасини изоҳлаб беради. Ҳомиладор аёлларда бу параметрларни баҳолаш натижасида гемостаз тизими ўзгариши асосида адекват чора-тадбирлар тавсия этилади.

Диссертациянинг «Динамикада даволаш фонида ҳомиладор аёлларда периферик қон ва коагуляцион гемостаз кўрсаткичлари» деб номланган тўртинчи бобда қайд этилган гуруҳлардаги ҳомиладор аёлларда турли хил даволаш усулларида олдин ва кейин қоннинг периферик ҳамда коагуляцион гемостаз кўрсаткичлари ўрганилиш натижалари батафсил баён этилган.

Олинган натижалар шуни кўрсатдики, даволашдан олдин 2А кичик гуруҳи аёлларининг периферик қонида ўрганилган 10 та кўрсаткичдан 9 таси (90.0%) мос равишда референс гуруҳи маълумотларига нисбатан сезиларли даражада ўзгарган ($P < 0,05$ – $P < 0,001$) ва барча 10 та параметр (100%)

назорат гуруҳи маълумотларига нисбатан сезиларли ўзгарган ($P < 0,05$ – $P < 0,001$).

5-жадвал.

Даволашдан олдин ва кейин 2А кичик гуруҳдаги (гемограмма) хомиладор аёлларнинг периферик қон кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Референс кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи, n=60	2А кичик гуруҳ, n=55	
			Даволашдан олдин	Даволашдан кейин
Эритроцитлар, $10^{12}/л$	4,2±0,2	3,3±0,2	2,8±0,2* [^] ↓	2,7±0,3 ↔
Гемоглобин, г/л	123,8±0,5	105,9±0,7	90,8±0,4* [^] ↓	93,5±0,9 [°] ↑
Лейкоцитлар, $10^9/л$	5,8±0,5	7,7±0,8	9,9±0,9* [^] ↑	8,2±0,8 [°] ↓
Нейтрофиллар т/я, %	3,1±0,6	4,2±1,2	12,8±1,0* [^] ↑	10,8±1,2 ↔
Нейтрофиллар, с/я, %	57,4±1,0	52,7±1,7	47,5±1,2* [^] ↓	49,6±1,1 ↔
Лимфоцитлар, %	19,3±1,1	24,4±1,2	17,3±1,1 [^] ↓	19,6±1,3 ↔
Моноцитлар, %	3,1±0,2	6,4±0,8	5,1±0,9* [^] ↑	4,8±0,7 ↔
Гематокрит, %	36,7±0,1	31,2±0,3	25,9±0,9* [^] ↓	26,8±1,2 ↔
ЭЧТ, мм/ч	10,2±0,3	15,6±0,8	20,4±0,9* [^] ↑	19,7±0,9 ↔
Кальций, ммоль/л	3,2±0,1	2,5±0,2	1,8±0,1* [^] ↓	1,9±0,1 ↔

Изоҳ: *, ^ – референс ва назорат гуруҳларига нисбатан сезиларли фарқлар; ° – даволашдан олдинги маълумотлардаги даволашдан кейинги сезиларли фарқлар; ↑, ↓ – ўзгаришгарган кўрсаткичларга нисбатан; ↔ – сезиларли фарқлар йўқ.

Тадқиқотга жалб қилинган хомиладор аёлларда даволаниш самарадорлигини таҳлил қилиш бўйича ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ўрганилган 10 та параметрлардан атиги 2 тасида (20,0%) сезиларли ўзгариш кузатилди – гемоглобин $90,8 \pm 0,4$ г/л дан $93,5 \pm 0,9$ г/л гача кўтарилди ($P < 0,05$) ҳамда лейкоцитлар сони $9,9 \pm 0,9 \times 10^9/л$ дан $8,2 \pm 0,8 \times 10^9/л$ гача камайди ($P < 0,05$). Қолган барча кўрсаткичлар даволанишдан олдинги параметрлар даражасида қолди ($P > 0,05$): таёкча ядроллар ва сегмент ядроллар ($P > 0,05$), лимфоцитлар нисбати ($P > 0,05$), моноцитлар нисбати ($P > 0,05$), гематокрит ($P > 0,05$), ЭЧТ ($P > 0,05$). Олинган натижалардан маълум бўлдики, даволашнинг анъанавий усули самарадорлиги етарли эмас.

Шундай қилиб, анъанавий даволаш усуллари гемодинамик кўрсаткичлари бузилган хомиладор аёлларнинг периферик қон кўрсаткичларига сезиларли таъсир кўрсатмади (2А кичик гуруҳ) ва даволаш самарадорлиги 20,0% ни ташкил этди.

6-жадвал

Даволашдан олдин ва кейин 2Б кичик гуруҳдаги (гемограмма) хомиладор аёлларнинг периферик қон кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Референс кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи, n=60	2Б-кичик гуруҳ, n=55	
			Даволашдан олдин	Даволашдан кейин
Эритроцитлар, $10^{12}/л$	4,2±0,2	3,3±0,2	2,8±0,1* [^] ↓	3,9±0,2 [°] ↑
Гемоглобин, г/л	123,8±0,5	105,9±0,7	100,4±0,5* [^] ↓	128,5±0,4 [°] ↑
Лейкоцитлар, $10^9/л$	5,8±0,5	7,7±0,8	9,6±1,0* [^] ↑	5,3±0,9 [°] ↓

